



XVIII аср охирларидан бошлаб, Наполеоннинг галабали армияси билан бирга ўнлаб археологлар, тарихчилар ва тилшунослар Миср ерига келгач, афсонавий қабрларнинг сирлари аста-секин дунёга очила бошлади. Махаллий аҳолига муқаддас пирамидаларга киришни тақиқлаган кўп асрлик табу, европалик тадқиқотчилар учун ҳеч нарсани англатмас эди. Ерости макбаралардан қимматбаҳо буюмлар, меҳнат қуроллари, қийим-кечаклар, ҳайкалча, қурол-яроғлар ва, албатта, бу барча нарсалар охираб дунёси учун мўлжалланган фиръавнларнинг вақт ва бўлзамдан қорайган мумиёлари олиб чиқилди. Кўплаб мумиёлар қатта пулларга Европа ва Американинг хусусий коллекцияларига жўнатилди. Ташиш жараёнида мумиёлар намликдан бузилди, ташиш араваларидаги силкинишлардан парчаланди, баъзида эса шунчаки йўқолиб кетди. Шундай қилиб, 3000 йилдан кўпроқ вақт олдин яшаган ва фиръавнларнинг энг қудратли сулолаларидан бири — XIX сулоласига асос солган Рамзес I нинг мумиёси узок вақт давомида бутунлай йўқолган деб ҳисобланди, бу сулола даврида Миср энг юқори гуллаб-яшнаш даврига етган эди.

Мисршунослар тахминига кўра, тақдир бир пайтлар юз минглаб фуқароларга ҳуқуқронлик қилган, ўзига улугвор қабр қурган ва охири-оқибат тамағир европалик қадимий буюмлар савдогарларига сотилган киши устидан шафқатсизларча қулган эди. Рамзес I нинг мумиёси 1999 йил қузида Эмори университетида америкалик мисршунос Мишель Карлос хайратланарли кашфиёт қилгунга қадар йўқолган деб ҳисобланарди. Американинг Ниагара-Фоллс шаҳрида жойлашган кичик тарих музейида 140 йил давомида қадимий мумиё сақланган, унинг ҳақида ҳатто музей ходимлари ҳам фақат Мисрдан эканлигини айтиши мумкин эди.

Ҳеч қим мумиёни қимматбаҳо деб ҳисобламасди ва Мишель Карлос уни Эмори

университетига сотиб олиш учун сўров юборганда, Ниагара-Фоллс музейида тезда рози бўлишди.

Мишель Карлос миниатюралар камераларида мумиё ички органларини ноёб тадқиқот ўтказмоқчи эди. Олим бу усулни мумиёни бузилмасдан сақлаш ва айтиш пайтда қадимги мисрликлар танани минг йил сақлаш учун қандай тайёрлаганларини аниқлаш учун танлаган эди. Аммо камералари мумиёнинг бошига жойлаштиришга ҳаракат қилинганда, бош суяги смола ва ўтларнинг қотиб қолган массаси билан ўлдирилган маълум бўлди. Мисршуносликнинг ҳозирги маълумотларига кўра, бундай таркиб факат қиролик оилалари учун ишлатилган. Демак, Карлос ҳулоса қилди, унинг олдида Миср фиръавнларидан бири ётар эди. Лекин айнан қайси бири? Кейинги тадқиқот қадимий марҳумнинг сирига ойдинлик киритишга ёрдам берди.

Қурган тананинг бўшлиғига қирган камера олимларга бальзамлаш жараёни қандай кечганини кўриш имконини берди. Тош пичоқ билан қорин пардаси кесилган ва ички органлар олиб ташланган, улар махсус идишлар — қанопсларга жойлаштирилган. Сўнгра, қимёвий таҳлил кўрсатганидек, жасад эҳтиёткорлик билан ювилган ва кўп кунлар давомида тузли эритмада сақланган. Нихоят, тана қуритилган ва смола билан шимдирилган бинтлар ва матолар билан ўралган. Мумификациянинг бу барча босқичлари ягона ҳусусиятдан ташқари, бутунлай оддий бўлиб чиқди — мумиёнинг барча ички органлари зич ип газлама боғламлари билан алмаштирилган эди. Аммо бальзамлашнинг бундай анъанаси Мисрда жуда қисқа вақт давом этган ва мавжуд археологик маълумотларга кўра, факат Рамзес I ҳукмронлиги даврида кенг тарқалган. Ва ўша пайтларда Мисрда Рамзесдан бошқа фиръавнлар бўлмагани сабабли, Мишель Карлос буюқ ҳукмдорнинг йўқолган мумиёсини топган бўлиб чиқди.

АҚШда 140 йил давомида, ҳеч қим томонидан пайқалмасдан, Рамзес I мумиёси сақланган бўлиши мумкинми? Буни бутунлай исботлаш учун америкаликлар Ниагара-Фоллс музейидаги мумиё ва Рамзес I нинг ўғли, фиръавн Сетининг мумиёси ДНКсини солиштиришни қарор қилишди. Дастлабки таҳлиллар икки мумиёнинг генетик қодининг участкалари мос қилинини кўрсатди, бу марҳум мисрликларни боғлаб турган яқин қариндошликдан далолат беради. Ҳозирда АҚШда Ниагара-Фоллсдаги мумиёнинг ДНКсини Рамзес II ёки Буюқ Рамзес деб аташчи, Рамзес I га назира бўлган фиръавннинг мумиёси ДНКси билан охириги текширувдан ўтказишга тайёргарлик қўрилмоқда. Агар бу ҳолатда ҳам қариндошлик тасдиқланса, бутун дунё Рамзес I нинг йўқолган мумиёси топилганини тан олишга мажбур бўлади.

Шубҳасиз, кўпчилик мисршунослар мумиёларнинг бир хиллигига шубҳа қилмайдилар. Энди олимларни қиролик сулоласининг асосчиси қандай кўрингани кўпроқ қизиқтиради. Компьютер таҳлили ёрдамида Рамзес I нинг таши қўриниши ва жисмоний маълумотларини тиклашга муваффақ бўлинди. У қадимги ўлчовларга кўра, 165 см бўйли, бироз эгик ва озгина одам бўлган. Тадқиқотчилар мумиёнинг юзини тиклашга муваффақ бўлишди, бу эса айнан фиръавн Рамзес I топилганининг яна бир исботи бўлди. Думбоқ бурун, юз суяклари ва қол ёлларининг шакли, қулоқ супрасининг шакли — бу барча ҳусусиятлар фиръавн Сетининг ҳусусиятларига ўхшаш бўлиб чиқди. Бундай ўхшашлик тасдиқий бўлиши мумкин эмас.

Рамзес I нинг вафот сабаби

Ҳатто Рамзес I нимадан вафот этгани ҳам аниқланди. Мумиёнинг бир қулоқ супраси сезиларли даражада деформацияланган бўлиб чиқди. Олимлар фиръавн ўлиmidан олдин унинг қулоқ супрасининг қаттиқ яллигланган деган ҳулосага қилишди. Эҳтимол,

Рамзес I нимадан вафот этган?

Муаллиф:

24.05.2025 06:55 -

Миср хукмдорининг шифокори, унинг кулогини навбатдаги кимматбахо зирак учун тешганда, у ерга инфекция туширган, бу эса жиддий касалликни келтириб чикарган. Балки бу хатто захар ҳам бўлгандир, унинг халокатли таъсири туфайли XIX сулоласининг 60 ёшли патриархи тезда вафот этган.

Абу Муслим тайёрлади